

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Paxtasanoat Ilmiy Markazi" AJ

Объявление

"PAXTASANOAT ILMIY MARKAZI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

ТАШҚИ АУДИТ УЧУН ЭЪЛОН

АУДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН

ТАНЛОВ

АУДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

“Пахтасаноат илмий маркази” АЖ 2023 йил якуни бўйича Ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартлари (ХМҲС) ҳамда Миллий бухгалтерия ҳисоби стандартлари (МБҲС) асосида ташқи аудиторлик текшируви ўтказиш учун танлов эълон қилмоқда.

Танловда иштирок этадиган аудиторлик ташкилотларига қуйидаги талаблар қўйилади:

- Миллий сертификатлаш тизимида мувофиқ юқори рейтинг кўрсаткичларига эга бўлиши;
- Ҳалқаро молиявий ҳисобдорлик стандартлари (аудит, ҳисоботлар ХМҲСга мувофиқлиги) бўйича йирик Ўзбекистон ва халқаро компанияларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ амалий тажрибага эга бўлиши;
- Таркибида ХМҲС ва ХАС соҳасида зарурий бухгалтерлик (аудиторлик) малакага эга бўлган ҳамда халқаро миқёсда эътироф этилган сертификатларга (ACCA, DipIFR, CPA, CIPA) ва камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган мутахассислар фаолият юритадиган бўлиши шарт.

Тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

- аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нусхаси;
- аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумот;
- иштирокчининг танловда қатнашиши бўйича таклифи ва аудиторлик текширув ўтказишнинг дастлабки қиймати;
- аудиторнинг малака сертификатлари ва бошқа халқаро сертификатлар нусхалари;
- аудиторлик ташкилотининг энг йирик мижозлари рўйхати ва соҳада тегишли иш тажрибаси;
- суғурта полисининг нусхаси;

Танловда қатнашиш учун тижорат таклифлари бериш муддати: 2023 йил 18 декабргача қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Ш. Руставели кўч., 8-а уй.

Маълумот учун телефон: 202-04-00 (321,126, 496)

қўшимча тел:97-425-03-25

электрон манзил: info@paxtasanoatilm.uz (<mailto:info@paxtasanoatilm.uz>),
ilmiymarkaz2018@mail.ru

12.12.2023

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/16570/>

Дата: 06.05.2026